

Мавзу: Нафосат фалсафаси (Естетика)

РЕЖА:

1. Эстетика тушунчалари хақида.
2. Гўзаллик ва хунуклик тушунчалари.
3. Улғворлик тушунчаси.
4. Фожиявийлик ва комедиявийлик тушунчаси.

Хар бир фаннинг ўзига хос тушунчалари- категориялари мавжуд бўлиб, оламдаги, воқеликдаги ходиса ва предметларининг асосий ўзига хос белгилари ва хусусиятларини чуқурроқ бўлиб олишга ёрдам беради. Маълумки хар бир фан иккинчи бир фандан ўзининг тадқиқот объектларининг хусусиятига қараб фарқланади. Тушунчалар эса хар бир фаннинг шакилланиши ва тараққиёт босқичларини кўрсатади. Тушунча нарса ва ходисаларни акс эттирувчи тафаккур шакли. Тушунчалар тизими эса харбир фаннинг шакилланиши ва тараққиёт босқичларини кўрсатади.

Фалсафий фан бўлмиш эстетиканинг ҳам ўзига хос тушунчалари воқеа-ходисаларнинг эстетик ички сир асрорларини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Олам, воқеа-ходисаларга эстетик ёндашув,эстетик муносабат асосида завқ олиш натижасида бадий ёки чуқур хис туйғуга берилиш содир бўлади. Яъни, оламдаги, воқеа-ходисалардаги, санъат асарларидаги гўзаллик, кулгичилик ва улғворликдан лаззатланиш туйғуси, фожиявийликдан таъсирланиш, дард чекиш, маълум хулосалар чиқариш хиссиёти хар бир инсонда ўзига ҳос тарзда намоён бўлади. Қадим замонлардан бошлаб эстетика тушунчаси ўрнида гўзаллик тушунчаси ишланган.

Олам, табиат, коинотга хос хусусият гўзаллик дея баҳоланган. Баъзи диний таълимотларда оламдаги барча гўзалликлар яратувчиси ягона илохий қудрат, оллох деб таърифланган.

Эстетик онг тушунчаси

Эстетик онг—маънавий-рухий воқеа-ҳодисалар мажмуи булиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик фикр, эстетик хис, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик караш, эстетик назария тизимини яратади.

Эстетик онг ижтимоий ҳаёт заминида унинг билан мутаносиб тарзда узгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Эстетик онг жамият ҳаётида гуруҳий манфаатлар ифодаси тарзида ҳам намоён булади

Эстетик онг ижтимоий ҳаёт инъикоси, у жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди, жамият ҳаётига ҳар томонлама таъсир утказди. Эстетик онг ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида эстетик фаолият билан узвий боғлиқ, у эстетик фаолият жараёнида шаклланади. Эстетик онг эстетик фаолият махсулидир.

Барча алломаларнинг илмий-фалсафий асарларида, шоирларнинг шеър ва дostonларида Аллохнинг гўзаллиги оламдаги барча гўзалликлар унинг мўжизаси эканлиги ўз ифодасини топган.

Эстетиканинг гўзаллик, улуғворлик, хунуклик, кулгулилик, фожиявийлик каби тушунчалари хар бири ўзига хос хусусияларга эга бўлиб, инсон эстетик дунёқарашининг шакланишида ўз ўрнига эга. Инсон оламдаги, табиатдаги, санъатдаги гўзаллик ва хунукликларни кўриш, тинглаш, ҳис қилиш орқали ички хиссиётларга берилади ва юрагида ажиб бир туғён жўш уради. Бу туғён гўзалликдан завқланиш, хунукликдан нафратланиш туйғусидир. Қарама-қарши ана шу тушунча хар бир инсон қалбида ажиб бир ички хиссиётлар уйғотади.

Гўзаллик-эстетиканинг асосий тушунчаси. Аслида эстетиканинг барча муаммолари гўзаллик муаммоси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий мохиятини ташкил қилади. Шу боис эстетикани гўзаллик ҳақидаги фан, гўзаллик фалсафаси ҳам деб атайдилар. Гўзаллик- бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Мутафаккирларнинг айтишларига қараганда гўзаллик ҳақида фикр юритиш ва уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машақатли жараёндир. Бу қийинчилик энг аввало гўзаллик тушунчасининг даъфатан қараганда ўзаро хеч бир умумийлиги бўлмаган турли-туман ходисаларнинг кенг доирасига тааллуқлилиги билан боғланиб кетади.

ЭСТЕТИК ТУШУНЧАЛАР МАЗМУНИ

Эстетик онг маънавий рухий воқеа ҳодисалар мажмуи бўлиб ижтимоий ҳаёт замида вужудга келадиган эстетик ҳис-туйғу эстетик дид эстетик орзу эстетик қараш ва назариялар тизимидан иборат

**ЭСТЕТИК
ОНГ**

Эстетик ҳис туйғу- бизни ураб турган воқеани эстетик жиҳатдан ҳис этиш жиҳатдан ҳис этиш қобилиятидир Унинг гузаллигини уйғунлиги сезишидир Эстетик ҳис туйғунинг асосий органлари қуриш ва эшитишдир.

**ЭСТЕТИК
ҲИС
ТУЙҒУ**

Эстетик дид - олами гузаллигини тезда англашди Эстетик дид замида эстетик дид замида эстетик ҳис туйғу ётади Эстетик дид деганда биз бирор соҳага мойиллигини сезамиз Эстетик дид воқеа ҳодисаларнинг эстетик сифитларини инсон томонидан идрок этмок ва баҳолаш қараёнидир

**ЭСТЕТИК
ДИД**

Эстетик орзу мавжуд нарсаларнинг эстетик гузаллик ҳақидаги энг юксак орзулари, уйлаган режалари Жамият равақати билан қамбарчас боғлиқ Хар бир даврнинг уз эстетик орзуга эга бўлган инсонлари бўлади Эстетик орзу бу инсоннинг гузаллик ҳақидаги тасаввурларининг энг юксак

**ЭСТЕТИК
ОРЗУ**

Кенг, тугал вавустакил система қарақатига эга бўлган эстетик қарашларни эстетик назария деб атаймиз

**ЭСТЕТИК
ҚАРАШ ВА
НАЗАРИЯ**

АР

Афлотун таълимотида гўзаллик жонли, ҳиссиётли, ўзгарувчан нарсалар оламидан ажралиб қолган абадий руҳ-ғоя сифатида таърифланади. Унинг фикрича, гўзаллик вужудга келмайди ва барбод бўлмайди, балки у вақт ва макон ташқарисида амал қилади. Гўзаллик туйғудан юқорироқ табиатга молик бўлгани учун уни ҳис туйғу воситасида эмас, балки ақл воситасида англаш мумкин бўлади. Гўзаллик ҳақидаги “Афлотун йуналиши” Ғарбда Фома Аквинский, Гегель ижодида Ислом Шарқида эса мусулмон маданиятида давом эттирилиб, гўзаллик моҳияти ёлғиз Аллоҳ иродасига боғлиқ қилиб ифодалайди.

Қадимги юнон мутафаккири Арасту гўзалликни реал воқелик интихоси сифатида талқин этади. Арасту гўззаликни моддий оламнинг мослик, аниқлик, ҳамоҳанглик, мезон-ўлчовлик каби миқдорли ва маконли тавсифлари билан боғлаб мушоҳада қилади. Арасту фикрига кўра, гўзаллик заминида инсон ва нарсанинг бир-бирига мувофиқлиги, лойиқлиги, мослиги ақидаси ётади. Арасту фикрини тушуниш учун “ҳаддан ташқари катта” ва “ҳаддан ташқари кичкина” нарсаларнинг мезон ўлчови нима эканини билиш керак: гўзаллик муайян мезон-ўлчов кўринишидагина номоён бўлади.

The diagram features a central green five-pointed star with a white outline, containing the text 'ЭСТЕТИКА НИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ'. This star is overlaid on a larger, light blue five-pointed star with a white outline. Surrounding the central star are four orange ovals, each with a white outline and a drop shadow, containing the terms: 'ГЎЗАЛЛИК' (top-left), 'УЛУҒВОРЛИК' (top-right), 'КУЛГУЛИЛИК' (bottom-left), and 'ФОЖИАВИЙЛИК' (bottom-right).


ГЎЗАЛЛИК

УЛУҒВОРЛИК


**ЭСТЕТИКА
НИНГ
АСОСИЙ
КАТЕГОРИЯ
ЛАРИ**

КУЛГУЛИЛИК

ФОЖИАВИЙЛИК



**ЭСТЕТИК
КАТЕГОРИЯЛАР
МАЗМУНИ**



Гўзаллик - эстетиканинг асосий тушунчаси. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий мохиятини ташкил этади. Гўзаллик - бу асосий эстетик кадрият булиб, уни идрок этиш кобилияти эса эстетик субъектнинг асосий қисмидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг қисмларига ҳам таалуклидир. Эстетик хис-туйғу, энг аввало гўзалликни хис этиш жарайнини англатади

Улугворлик - эстетик ва ахлокий сифатлар касб этиб, Амалиётда куп кулланиладиган эстетик тушунча. Улугворлик кулами гузаллик куламиндек чексиз. Улугворлик хисси умуминсоний булиши билан бир каторда ижтимоий хаётда тарихий тараккиётга алохида таъсир этувчи ходисалар ва жараёнларни хам камраб олади.

Фожеалилик ва кулгилилик эстетик тушунчалари ёрдамида хаёт зиддиятлари ва тукнашувлари бахоланади ва мушохада килинади. Улар оркали инсоннинг ижтимоий хаёт ходисаларига нисбатан эстетик муносабати ифодаланади ва мустахкамланади. Айтиш жоизки, фожеалилик ва кулгилилик гузаллик тушунчасидан торроқ доирада амал килади.

Барча нарсаларнинг мезон-ўлчови эса инсондир. Шарқ Уйғониш даври мутафаккири Фаробий фикрича” Гўзаллик инсонинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий чиройнинг ифодасидир”. Инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа фазилатли, ўзи дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук якунидир.

Чернышевский фикрича, “хаёт-гўзалдир, инсон хаёти, эhtiёжи ва мақсадига мос тушувчи нарсалар гўзалдир. Санъатга гўзаллик – хаётдаги гўзаллик интикоси бўлиб, унинг битмас тугалланмас манбаи воқелик, унинг энг мухим бадий истеъдод таркиби эса гўзалликка ташналик, сезгирлик, синчковликдир. Гўзаллик яратувчи ижодкорларнинг бошқа одамлардан фарқи шундаки, у бошқалар фахмлай олмайдиган гўзалликни хамма ерда кўра олиш, фахимлаш, сезиш, хис қилиш қобилиятига эгадир.

Хуллас, санъатдаги гўзалликни камолот ва мукамаллик даражаси серқирра ва мураккаб бўлиб, у тасвир объектининг гўзаллиги, эстетик орзунинг ҳаққонийлиги ва илғорлиги, воқеликни билишнинг ҳақиқий ва чуқур мазмундорлиги, бадий махоратнинг юксаклиги билан изоҳланади. Бу омиллар орасида эстетик орзу ўзининг ҳаққонийлиги ва гўзаллиги билан ажралиб туради. Хунуклик- эстетика тушунчаларидан бири хисобланиб гўзалликнинг аксидир. Инсон орзу истакларига қарама- қарши бўлган босқинчиликдир, зўравонлик, тухмат, ёлғончилик, хиёнат, ватанфурушлик, ахлоқсизлик, ўғрилиқ каби иллатарни ўз ичига олади.

Ана шундан салбий иллатлар хар қандай инсон қалбида салбий хис- туйғу, нафрат, ғазаб, ёмон кайият, ғам уйғотади. Хунуклик маълум бмр ғояга бирлашган гуруҳ, оқим, партия харакатида ёки айрим сохалар фаолиятида кўринади.

Санъатда ана шудай инсонлар қиёфаси образли тарзда ифодаланиб, уларни аёасиз фош қилиш асосий мақсад хисобланади. Шовунизм, миллатчилик, гиёхвандлик, ўғрилик, одам савдоси билан шуғуллани, каби иллатлар инсоният бошига катта кулфатлар келтирмоқда. Уларнинг асил мақсади оммавий ахборот органларида, телевидинияда, санъат асарларида фош қилинмоқда.

Улуғворлик- эстетик ва ахлоқий сифатлар касб этиб амалиётда кўп қўлланиладиган эстетик тушунчалар. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолияти махсулотларида намоён бўлиб, улканлик, буюклик, чексизлик, қудртлилик, тимсоли сифатида инсонларда хайратланиш, завқланиш, фахирланиш ғурурланиш хис- туйғуларини уйғотади. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон фаолиятида мавжуд бўлиб, унинг хусусиятига эга бўлган барса инсонлар ва ходисаларда меъёр бўлиши тақазо этилади. Табиатдаги баланд тоғлар қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий денгизлар, тубсиз осмон улуғворлик тимсоллари бўлиб, улар улканлик, буюклик, кенг кўламлик, тугамаслик жихатдан умумийликка эга. Улуғворлик ҳисси умуминсоний бўлиши билан бирга ижтимоий ҳаётда тарихий тараққиётга алоҳида таъсир ўтказувчи ҳодисалар ва жараёнларни ҳам қамраб олади. Ижтимоий ҳаётда улуғворлик, қахрамонлик ва мардлик билан шу қадар қоришиб кетадики, уларни алоҳида- алоҳида мушоҳада этиш нихоятда қийин бўлиб қолади.

Қахрамонликда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифат тўла намоён бўлади. Ватан озодлиги, мустақиллиг, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жон фидо қилиб курашган миллий қахрамонлар, давлат арбоблари қиёфасида ҳам улуғворлик мужассам Жалолиддин Мангу Берджи, Темур Малик, Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Навоий кабилар хаёти ва фаолияти ёрқин далилдир. Санъатнинг барча турларида ҳам улуғворлик ўзига хос Тарзда намоён бўлади. Достон ва романларда, кино ва театр асарларида, музыкада, ҳайкалторошликда, тасвирий санъатда ва меъморчиликда улуғворлик кўринишлардан хайратга тушамиз Мисир перапидалари, Самарқанд, Бухоро Хива шаҳарларининг меъморчилик обидалари, қадимий юнон Парффинони, Рим коллизеий, Ўрта асир черковлари. Хамон ўзининг улуғворлиги, салобати ва маҳобати билан кишиларни лол қилмоқда. Агар Минораи Калон, Бобил минораси, Мисир перапидалари ўзларининг улкан кўламлари билан кишиларни хайрон қолдирса, Гри Амир, Шохи Зинда, Ичон Қала, Регистон мезони, Исмоил Самоний мақбараси атроф мухит билан узвий қўшилиб кетганлиги билан ажралиб туради.

Санъатдаги улуғворлик бадиий мазмун ва шаклининг ўзаро уйғунлигига ифодаланса, асосий хал қилувчи ролни ғоя хал қилади. Санъат асарининг буюклигини унда илгари сурилган умумбашарий ғоя хал қилади.

Эстетиканинг улуғворлик тушунчаси хақида жуда кўп омиллар турлича ўз қарашларини баён қилганлар. III асрда яшаган нотиқ Лонгин “Улуғворлик тўғрисида” номли рисоласида “Улуғворлик инсонга хос туйғули таъсир этувчи уни қувонч ва хайратга солувчи куч” деб уқтирилади. Инглиз олими, эстетик тадқиқотчиси Т.Хаум улуғворлик ва гўзаллик мутаносиблиги мисолларида, улуғворлик гўзалликдан фақат ўзининг кўлами билан фарқ қилади ва ижобий хис -туйғуларуйғотади. Немис олими Э.Кант фикрича гўзаллик ҳам улуғворлик ҳам қўпол, соф фойда маъносидаги манфаатдан ҳам бўлиб, ҳамма учун умумий ахамияти мақсадга мувофиқлигини ва зарурлик тасаввурларини ўзида мужассамлаштирганлар. Гегль фикрича улуғворлик санъатининг тимсоли босқичи билан кўпроқ боғланган. Шу сабабли улуғворликнинг энг ёрқин ифодаси бу диний ва илохий санъатдир.

Хуллас, улуғворлик эстетик тушунча сифатида табиат, олдидаги ва санъатдаги ўзига хос буюкликни идрок этиш, тушуниш, бахолашда ўз ўрнига эга. Оламдаги барча тирик мажудодларнинг афзали, муконлали, ақилли, илмли, онгли билан ажралиб турувчи инсон қисқа умри давомида озод, хур, эркин, фаровон яшашга лойиқ. Фожиалилик ва хунуклик эстетик тушунчалари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари бахоланади ва мушоҳада қилинади. Улар орқали инсоннинг ижтимоий ҳаёт ходисаларига нисбатан эстетик муносабати ифодаланади ва мустахкамланади. Фожианинг ва кулгилилик аслида бир-бирига зид тушунчалардир, лекин бу зидлик мутлоқ амал қилмайди.

Айни пайтда улар бир-бирининг мағзига сингиб, бири иккинчисига ўтиб туради. Халқ орасида “фожиаликдан кулгилиликгача масофа бир қадамдир” деган иборанинг кенг қулланилиши бежиз эмас, албатта.

Фожиалилик тушунчаси ҳақида ўз даврининг файласуфлари томонидан жуда кўп фикрлар баён қилинган. Қадимги Юнон файласуфи Арасту фожианинг томошабинга хиссий-руҳий таъсири бу “Жазавали таъсирнинг томашабин ва фожиа қаҳрамони ўрталаридаги маънавий-руҳий яқинлиги билан боғлиқлиги ҳақида” фикр билдириб: “Фожиали хис-туйғу мураккаб таркибига эга бўлиб, у ачиниш, қўрқув ва шодликнинг ўзига хос қоришмасидан иборат, Бу ерда қаҳрамон азоб уқубатларига ачиниши унинг мудхиш тақдирдан қўрқув ва ниҳоят руҳий покланишдан шодлиниш кўзда тутилади. Агар шундай ҳолат содир бўлмаса томошабин дил хаста бўлиб чиқиб кетса демак покланиш амалга ошмаган бўлади” деб ёзади.

Немис олими Гегель фожиаликни “мохиятли кучлар тўқнашувларининг натижаси” деб баҳоланди. Бу тўқнашувлар курашнинг кандай тугаланиши билан инсоният истиқболи, ахлоқий тараққиёт тақдири билан боғланиб кетган бўлади. Унда ёзувчига ҳаётнинг инсонияти бутун тарихи давомида ҳаёжонлаштирадиган муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Фожиа қахрамони ўз даврининг ижобий орзу умидларини ёрқин ифодаловчи кучли, мард, улуғвор шахс сифатида Махсуд Шайхзоданинг “ Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” асарларида фожиали воқеалар ўзига хос тарзда махорат билан баён қилинган. Асар қахрамонлари ҳаёти фожиали бўлсада аммо ўқувчи, томашабин уларнинг озодлик, эзгулик, яхшилик йўлида олиб борган фаолиятдан фахрланади, уларга хавас билан қарайди. Асарнинг тарбиявий томонлари ҳам шунда.

Кулгилилик- эстетика тушунчаларидан бири бўлиб, инсон ҳаёти фаолияти билан боғлиқ баъзи камчилик, нуқсон иллатларни ҳазил мутоиба сўз ўйини, юмор, масқаралаш орқали ифодалаб, уларни келгусида қайтармаслигига мақсадида ёзилади. Кулгилилик аниқ мазмунга эга бўлиб, кулгилиликга хос баъзи томонларни очиб беради. Ҳаётда ҳар куни кулги воқеа-ходисалар содир бўлиб туради, фақат инсонгина ўшалардан хузурланади, ўша воқеаларни бошқаларга етказди, кулги билан жавоб қайтаради ўзгаларни кулдиради. Кулгу инсон кайфиятини қудрати, рухий тетик қилади, ҳаётга хурсанчилик билан муносабатда бўлишга ундади. Кулгулилик инсон ҳаётининг барча жабхаларида доимий равишда намоён бўлади. Инсоннинг ўзига хос хислатларидан бири бир-бири билан ўзаро муносабатда ҳазил (юмар) орқали мулоқот қилишдир.

Кулишимизга сабаб бу орадаги ички рухий мохият билан унинг ташқи кўриниши ўртасидаги беохшовлик бўлса, қувонишимиз сабаби мазкур хақиқани англашимиздан хақиқатни ёлғондан ажратиш қобилиятимиз мавжудлигидан келиб чиқади. Комедия асарларида кулгилиликнинг турли кўринишлари намоён бўлади. Машхур ёзувчилар Гоголь, Салтыково-Шедрин, Булгаков, Абдулла Қаххор, Саид Ахмад, Худойберди Тухтабаев асарлари чуқур юмор билан сингдирилган. Комедия одамларни ярамас ва хунук ходисаларнинг кулгили томонларини кўра олишга, уларни англаш, фош қилиш, қоралашга ўргатади.

Ўзбек театрларида узоқ йиллар намоёиш қилинган, “Майсаранинг иши”, “Тошболта ошиқ”, “Парвона”, “Келинлар қўзғолони”, “Олтин девор” каби жуда кўп комедияларда хаётдаги кулгили воқеалар, одамлардаги баъзи иллатлар қоралниб, кўпчиликни маънавий баркамоллик сари чорлайди.

Кулгилилик орқали инсонлар тарбиясини янада яхшилаш, баъзи иллатлардан холис бўлиш, кўнгилларни юмшатиб дам олиш, хаётдан хузурланиш, очиқ чехра, табассум билан юриб, кайфиятни яхшилаш асосий мақсад хисобланади.